



O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 77 (630)
2022 йил 20 сентябрь,
сешанба

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан
хафтанинг сешанба ва
жума кунлари чиқади.

ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ УЛКАН ИМКОНИАТЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида
19 сентябрь куни

мамлакатимизнинг ички ва ташқи туризм
салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари
юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бирёқлама иқтисодиёт барқарор бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда иқтисодиётни тарихий ислоҳ қилиб, кенг қўламда ривожлантириш чоралари кўриш керак. Хусусан, туризм драйвер соҳалардан бири сифатида белгилаб, зарур шароитлар яратилмоқда. Масалан, сайёҳларга виза бериш энгиллаштирилди. Аэропортларда навбатлар ва тегишлиларга барҳам берилди, яшил йўлақлар ташкил қилинди. Валюта айирбошлаш бемалол бўлди. Туризм корхоналари учун ижтимоий солиқ ва айланма солиқ ставкалари 1 фоиз эғиб белгиланди, ер солиғи ва мол-мулк солиқ ставкалари 90 фоизга камайтирилди. Меҳмон ўринлари сони 2017 йилга нисбатан 3 баробар кўпайиб, 125 мингга етди. Меҳмонлар электрон рўйхатдан ўтказилмайдиган бўлди.

Бу йил туризм пандемиядан кейин қайта тикланяпти. Сентябрьда юртимизга келган хорижий туристлар сони 2021 йилга нисбатан 3 бараварга кўпайди. Йил бошидан буён туризм экспорти ҳажми 926 миллион доллар бўлди. Юртимизга келган меҳмонларнинг саноати ўртача 4-5 кунга, сарфлаган маблағи 305 долларга кўпайди.

Ички сайёҳлар сони ҳам ўтган йилга нисбатан 3,5 бараварга ўсиб, 7,5 миллион нафарни ташкил қилди. Президентимиз бу соҳага алоҳида эътибор қаратиб, шароит яратаятган бежиз эмас. Чунки туризмдан топилган даромаднинг 30 фоизи одамларнинг қўлига иш ҳақи бўлиб боради. Бошқа тармоқларда бу 10 фоиздан ошмайди. Туризм соҳасида яратилган битта иш ўрни турдош тармоқларда қўшимча иккита иш ўрни пайдо бўлишига туртки беради. Яъни, туризм ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш, ҳам хизматлар экспортини оширишда жуда катта манба.

Йиғилишда туризм бўйича ҳудудлардаги ишлар ҳолати таҳлил қилинди. Бу борадаги улкан имкониятлар ва улардан фойдаланиш бўйича вазифалар кўрсатиб ўтилди. Маълумки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқандда "Буюк ипак йўли" халқаро туризм маркази барпо этилди. Яқинда у ерда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити юқори савияда ўтди. Бу кўп тармоқли марказ таркибиде 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс маркази, "Боқий шаҳар" мажмуаси, амфитеатр ва бошқа кўплаб илоҳотлар бор. У йилга 2 миллион туристга хизмат кўрсатиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари энди бу мажмуага сайёҳларни жалб этиш, элчионалар ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликда "Самарқанд – Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси" брендини тарғиб қилиш бўйича кўрсатмалар берди. Транспорт вазирлиги янгиланган Самарқанд халқаро аэропорти имкониятларидан самарали фойдаланиш, хорижий авиакомпаниялар рейсларига бўлган чекловларни олиб ташлаб, халқаро қатновларни кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Шу йил 26 апрель куни ўтказилган йиғилишда шаҳар ва туманларда туризм хизматларини кўпайтириш, бундай лойиҳалар учун 1 триллион сўмлик кредит ресурслари ажратиш чоралари белгиланган эди. Бунинг ижроси таҳлил қилинар экан, вилоятларда сайёҳлар борадиган жойлар камлиги, маблағлар ҳали тадбиркорларга етиб бормагани кўрсатиб ўтилди.

Фарғона вилояти ҳокими 5 та туман ва 3 та шаҳарни қамраб олган "Олтин водий сайёҳлик ҳалқаси"ни ташкил этиш борасидаги ишларни сузлаб берди. Давлатимиз раҳбари бундай

лойиҳаларни бошқа ҳудудларда ҳам амалга ошириш, ташаббускорларни молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, сув омборлари, ўрмон ҳўжалиги ерларини ўрганиб, хавфсиз ерларда туристик зоналар ташкил этиш мумкинлиги қайд этилди. Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразмнинг чўл ҳудудларида "сафари" туризмни ривожлантириш бўйича тақлифлар билдирилди.

Яна бир салоҳиятли йўналиш – зиёрат туризми. Мамлакатимизда 1 минг 200 дан зиёд зиёратгоҳ бор. Йиғилишда бу имкониятни тўлиқ ишга солиб, йилига камида 1 миллион сайёҳ жалб қилиш мумкинлиги таъкидланди.

Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш ва араб мамлакатларидан авиарейсларни кўпайтириш, малакали гидлар тайёрлаш, зиёратгоҳлар шароити ва йўллари яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Юртимизда туризмга ихтисослашган 135 та маҳалла бор. Уларнинг аксарияти узоқ ҳудудларда бўлгани учун инфратузилма масаласи долзарб.

Шу боис Президент туризм маҳаллаларида йўл, электр, сув ва интернет муаммосини ҳал этиш бўйича дастур ишлаб чиқишга кўрсатма берди.

Саёҳатлар учун автомобиль йўллари ҳам муҳим. Лекин замона зайти билан автомобиллар сони тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, "Тошкент – Самарқанд" йўналишида беш йил олдин суткасига 25 мингта автомобиль юрган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 35 мингтага етган. Натижада йўлга кетадиган вақт ҳам ортган.

Шунинг учун мамлакатимиз шаҳарлари ўртасида поезд ва самолёт қатновларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз туристлар учун қўлайликларни кўпайтириш, соҳага оид тартибларни соддалаштириш масаларига алоҳида тўхталди.

Масалан, бугунги кунда меҳмонхона ташкил этиш учун 97 та талаб бор. Тадбиркорларнинг фикрларини инобатга олиб, бу талабларни халқаро стандартлар асосида соддалаштириш вазифаси қўйилди.

Туристларни ички ишлар идораларида рўйхатга олиш тартибиде ҳам нуқулликлар бор. Хусусан, хориждан келган туристни меҳмонхона 2 кун ичида, қариндошиникида қолганда эса, унинг эгаси 3 кун ичида вақтинчалик рўйхатдан ўтказиши керак.

Ички ишлар вазирлиги га теизимни таҳлил қилиб, ортиқча чекловларни олиб ташлаш бўйича топшириқ берилди. Бунда хорижий туристларни вақтинчалик рўйхатга олиш ўрнига онлайн хабардор қилиш тартибига ўтилди.

Шунингдек, туристик агентларга ҳам лицензия талаби бекор қилиниб, хабардор қилиш тартибини жорий этиш режалаштирилмоқда. Бу орқали қўшимча 1 мингта тургент пайдо бўлишига имконият яратилади.

– Туризм – бу ҳам инвестиция, ҳам экспорт, ҳам янги иш ўринлари ва камбағалликни қисқартириш дегани. Шунинг учун ҳар бир ҳудудда бу соҳага жиддий эътибор қаратиб, кўпроқ сайёҳларни жалб этиш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Умуман, келгуси йилда 7 миллион хорижий ва 12 миллион маҳаллий туристларни жалб қилиш, туризм экспортини 2 миллиард долларга етказиш имконияти борлиги таъкидланди. Бу бўйича аниқ йўналишлар кўрсатилиб, ижросига масъуллар белгиланди.

Ў.А.

САМАРҚАНД САММИТИ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚДИ

Баҳодир СОВИРОВ,
Навоий давлат педагогика
институтини ректори.

Инсоният ўтмишининг ҳар бир даври, ҳатто дақиқаларигача ўз қадр-қиммати, мазмун-моҳияти ва мураккаб муаммолари билан кечади. Бинобарин, бугунги кун ҳам бутун дунёни мутлақо ўзгача, мислсиз мураккаб ва ниҳоятда зиддиятга даврга рўбарў эғиб турибди.

Бугун инсоният атрофда содир бўлаётган турли табиий фалокатлар, саламатлиги, генофондига таҳдид солаётган касалликлар, катта-кичик сиёсий алғов-далғовликларга гувоҳ бўлмоқда. Бундай шароитда дунёнинг қайси ҳудудида бўлмасин, ҳар бир киши ўз ҳаёти, фарзандлари, келажаги хусусида уйга толади, нажат ахтарди. Шу жиҳатдан бутун дунё нигоҳи Самарқандга қаратилди, десак муболага эмас.

Рўйи-замин сайқали Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг навбатдаги саммитига мезбонлик қилди. Аслида Самарқанд саммитига қизиқишлар анча илгарироқ

бошланиб, тахминлар, башоратлар илгари сурилди. Имкониятлар чамалаиди. Бир қатор масалалар очик ва мавҳум қолгани ҳам бор гап эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг саммит арасида республикамиз ва бир қатор хорижий давлатлар оммавий ахборот воситаларида нашр этилган "Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик" мақоласи эса ҳеч бир саволга ўрин қолдирмади.

Чиндан ҳам бугун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти сайёрамизнинг нуфузли ва халқаро майдонда кечаётган жараёнларга таъсир ўтказиш салоҳиятига эга ташкилотга айланди. Ушбу мавқега эришишнинг асосий омилли, шубҳасиз, мазкур халқаро ташкилотда аъзо давлатларнинг тенг манфаатли ҳамкорлиги йўлга қўйилганлигидир. Бу ҳамкорлик ШХТга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро сиёсий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, савдо-сотиқни кенгайтиришга кенг имкон яратганлигини мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси сўнгги йилларда ўз ҳаётида ҳис этиб турибди, десак айна ҳақиқатни эътироф этган бўлаемиз.

ШХТнинг яна бир жозибаси – унинг турли блоклардан ҳоли, иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитети хурмат қилиш, ички ишларга арашмаслик, сиёсий қарама-қаршилик ва ихтилофли рақибликка йўл қўймайди. Ташкилотга аъзо давлатлар сафининг кенгайиб бораётганлиги, халқаро майдондаги хайрихоҳликни ҳам аслида шу билан изоҳлаш жоиз. Боиси, бугунга келиб ШХТ географик жиҳатдан улкан маконни қамраб, дунё аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган ҳолда, наинки минтақа, балки сайёрамиздаги турли муаммолар, давлатларга таъсир ўтказиш салоҳиятига эга ташкилотга айланди. Ушбу мавқега эришишнинг асосий омилли, шубҳасиз, мазкур халқаро ташкилотда аъзо давлатларнинг тенг манфаатли ҳамкорлиги йўлга қўйилганлигидир. Бу ҳамкорлик ШХТга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро сиёсий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, савдо-сотиқни кенгайтиришга кенг имкон яратганлигини мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси сўнгги йилларда ўз ҳаётида ҳис этиб турибди, десак айна ҳақиқатни эътироф этган бўлаемиз.

лама ҳамкорликда эканлигига урғу бериб, ҳеч бир мамлакат хоҳ катта, ўрта, кичик бўлсин, ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки баргараф этишга қодир эмаслигини таъкидлайди.

Шу жиҳатдан Самарқанд саммити доирасида қўшни Афғонистоннинг минтақавий иқтисодий-иҷтимоий жараёнларга тобора кенг жалб этилаётгани ниҳоятда қувонарли ҳолдир. Зеро, Афғонистонда тинчлик ва осойишталикнинг таъминланиши, барқарорлашув нафақат Марказий Осиё, балки қитъаларо транспорт ва иқтисодий ўзаро ҳамкорлики анадая ривожлантиришда муҳим геосиёсий воқеа бўлади.

Саммитда ШХТга аъзо мамлакатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилувчи ҳужжатлар имзоланди. Табиийки, ушбу ҳамкорлик фан ва таълим соҳаларида ҳам алоқаларни, ўзаро маркорликни сифат жиҳатдан мустаҳкамлайди. Шу маънода инсоният тамаддунида Шарқ ва Ғарб Ренессансларига бешик бўлган қадим ва навқирон кент яна бир уйғошни даврга "Самарқанд руҳи"ни бериши шубҳасиз.



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВИ ЯНГИ ҲАЁТ САРИ ЭШИК ОЧМОҚДА

Зиё СИРОЖ,
"O'zbekiston buniyodkori" мухбири.

Мамлакатимиз янги даврга юз бурмоқда. Янги Ўзбекистоннинг нафақат қиёфаси, шакл-шамойили, ислоҳотлари, балки, аҳолига яратилаётган шароитлари ҳам янги босқичга кечаяти бундан ташқари, шу кунларда яна 40 та унинг қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бунинг учун таърибли ва етарли малакага эга бўлган ўндан зиёд қурилиш ташкилотлари жалб этилган. Аиниқса, Туркия ва Ҳиндистонлик ҳамкорларимиз билан биргаликдаги ҳаракатларимиз ижобий натижа бермоқда.

Массивида 74 та кўп қаватли уй қурилиши кўзда тутилган бўлиб, улар 2 мингта хонадонни ўз ичига олади.

– Ҳудудда барпо этилаётган уйлар қўлай шароитга эгаллиги билан ҳам аҳамиятли, – деди вилоят бош архитектори Анваржон Алимов. – Масалан, шаҳарда сув, электр энергияси, табиий газ ва турли сим тармоқлари махсус тоннел орқали олиб ўтилмоқда. Бу носозлик юзага келганда ташқи муҳитдаги ҳаракатга салбий таъсир кўрсатмаслигини таъминлайди. Уйларнинг хоналари табиий муҳитга мослаштирилмоқда.

ростлаётган "Янги Ўзбекистон" массивида жаҳон андозаларига мос биноларни қуриш ва бу борада хорижлик ҳамкорлар таърибасидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лойиҳа фойдаланишга топширилган, 121 минг нафар ҳамюртларимиз ўз уйларига эга бўладилар.

– Айна пайтда 34 та уйда қурилиш ишларининг якуний босқичи амалга оширилмоқда, – деди вилоят ҳокимининг ўринбосари Иброжон Холматов. – Шулардан, 15 тасида пардозлаш жараёнлари кетмоқда. 1 октябрь куни уларни фойдаланишга топшириш ҳаракатидамиз. Бундан ташқари, шу кунларда яна 40 та унинг қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бунинг учун таърибли ва етарли малакага эга бўлган ўндан зиёд қурилиш ташкилотлари жалб этилган. Аиниқса, Туркия ва Ҳиндистонлик ҳамкорларимиз билан биргаликдаги ҳаракатларимиз ижобий натижа бермоқда.

Массивида 74 та кўп қаватли уй қурилиши кўзда тутилган бўлиб, улар 2 мингта хонадонни ўз ичига олади.

– Ҳудудда барпо этилаётган уйлар қўлай шароитга эгаллиги билан ҳам аҳамиятли, – деди вилоят бош архитектори Анваржон Алимов. – Масалан, шаҳарда сув, электр энергияси, табиий газ ва турли сим тармоқлари махсус тоннел орқали олиб ўтилмоқда. Бу носозлик юзага келганда ташқи муҳитдаги ҳаракатга салбий таъсир кўрсатмаслигини таъминлайди. Уйларнинг хоналари табиий муҳитга мослаштирилмоқда.

Яъни, қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Шу билан бирга, ҳаво айланиш ҳаракати ҳам инобатга олинган. Маҳаллий ва энергия тежамкор хомашёлар бу борадаги лойиҳаларимизни янада мустаҳкамлайпти. Бир сўз билан айтганда, янги шаҳар ўз номи билан янги босқичга қад ростламоқда.

Ушбу массивда уй-жойлар билан бирга аҳоли учун зарур бўлган 420 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 1 минг 680 ўринли мактаб, 250 қатновга мўлжалланган оилавий поликлиника ҳамда 2 минг иш ўрнига эга бўлган фабрика ҳам фойдаланишга топширилади. – "Янги Ўзбекистон" массивининг фойдаланишига топширилишини интиқлик билан кутмоқдаман, – деди Андижон шаҳридаги З. М. Бобур номи шўхўчада истиқомат қилувчи Сурайёхон Ҳамроқулова. – Сабаби, ушбу манзил менинг ҳаётимдаги янги саҳифани очиб беради. Ҳозирда бир ҳовлида учта ҳўжалик истиқомат қиламиз. Бу табиийки, турмуш тарзимизга озми-кўпми таъсир кўрсатмоқда. Аиниқса, қўлай шароит яратиш борасида имкониятимиз чеклиниб қолган. Шахсий уйимизга қўчиб ўтиш орқали барча муаммага ечим топаемиз, деган ниятдамиз.

Шу кунларда манзилда турар жой бинолари билан бир қаторда 3 минг квадрат метр майдонда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳамда йўл-коммуникация инфратузилма объектларида ишлар давом эттирилмоқда.

“Қурилиш назорати” ахборот тизими қандай ишлайди?

Ислом ИБДУЛЛА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугун ҳаётимизни рақамли технологияларсиз тасаввур эта олмаймиз. Ҳар бир соҳа мавжуд хизмат турлари бўйича рақамлашиб бормоқда. Жумладан, оддий давлат хизматларидан тортиб, қурилиш назоратлари ҳам эндиликда ўзининг электрон платформаларига эга бўлди. “Қурилиш назорати” ахборот тизими қандай ишлайди? Қуйида шу саволга жавоб оламиз.

Мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантириш, қурилишни жадаллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди ва қурилиш соҳасида давлат бошқаруви самарали механизмлари жорий этилди. Шу билан бирга, тахлиллар натижалари қурилиш соҳасида шафқатли таъминлашда бир қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, манфаатдор шахслар ва жамоатчилик қурилиш ишлари боришини кузатиш имкониятига эга эмас, маблағлардан нотўғри фойдаланиш, объектларни ўз вақтида топширмаслик, қурилишда паст сифатли материаллардан фойдаланиш, қурилиш ишлари соҳанинг мутахассиси бўлмаган ходимларни жалб этиш қурилиш ишларининг сифатсиз бажарилишига олиб келиб, республика бюджетни маблағлари, мақсадли жамғармалар ва буёртмачиларнинг ортқиқа қаражатларига сабаб бўлмоқда. Президентимизнинг “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан амалга оширилган рақамлаштириш жараёнлари соҳасидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этади.

“Қурилиш назорати” ахборот тизими келажакда қурилиш жараёнларидаги ортқиқа сансалорликка чек қўяди. Айтиш керакки, мазкур тизимда фойдаланиш қурилиш соҳасида назорат инспекцияси, буёртмачининг техник назорати, лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назорати ва пудратчининг

ички назорати ходимлари учун амал қилади. Ҳозирги кунда жойлардаги қурилиш соҳаси мутахассислари ва қурувчиларга “Қурилишда давлат назорати” ахборот тизимига доир тушунтириш ишлари олиб борилиб, ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

– Худудимизда фаолият олиб бораётган қурувчилар, пудратчилар, техник назоратчилар ва лойиҳачилар билан ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Қашқадарё вилоят қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси бошлиғи Улмас Панжиев. – Мазкур турдаги учрашувлар орқали амалда маҳаллий тадбиркорлар ва назоратчиларга қурилишда давлат назоратининг интерфаол платформалари ҳақида тушунтиришлар бeryапмиз. Хусусан, “Қурилишда давлат назорати” ахборот тизимининг тақдироти доирасида янги тизимнинг қулайлиги, фойдаланишда қийинчиликларнинг кузатилмаслиги ва энг асосийси шафқатли таъминлашдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Мазкур электрон платформанинг амалий вазифаси ва иш тартиби қурилиш объектларида давлат назорати, буёртмачи ташкилотларининг техник назорати, ва пудрат ташкилотларининг ички назоратини электрон ҳужжат алмасуви орқали амалга ошириш ва назорат ишларини олиб боришда аниқланган барча камчиликларни фотосуратлари билан бергаликда тизим онлайн равишда киритилишини, назорат жараёнларини автоматлаштириш, маълумотлар ягона базада сақланишини таъминлашдан иборат.

Худудий назорат инспекцияси томонидан ўрганиш олиб борилди



Самарқанд вилояти қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси мутахассислари томонидан айни пайтда қурилиш ишлари олиб борилаётган бир қатор объектларда навбатдаги назорат ишлари ўтказилди.

Хусусан, Нарпай туманида пудратчи “Амирбек монтаж қурилиш” МЧЖ томонидан олиб борилаётган Б. Раҳимов, Оқтош, Мустақиллик, Фидокор ва Катта ариқ кўчаларини меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва саломатлик йўлақлари қурилишида ўтказилган назорат ишлари давомида бир қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, пидедалар ва велойўлакларнинг сифатсиз (бетон силжувчанлиги лойиҳа талабига мос келмагани боис вертикал ва диоганал ёриқлар юзага келган) бажарилган қисмлари буздирилди. Келгусида мазкур ҳолат қайтарилмаслиги учун Самарқанд вилояти ҳокимлиги “Ягона буёртмачи хизмати” ИК техник назоратчиси А. Аҳматов, лойиҳа ташкилоти “Movarounnahr arch design” МЧЖ, муаллифлик назорати вакили С. Раҳмонқулловларга тушунтириш ишлари олиб борилди ҳамда бошқа камчиликлар юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, вилоят қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси мутахассислари томонидан шу туманининг “Иймон” МФИда пудратчи “Ikrom” МЧЖ томонидан мактабгача таълим ташкилоти биносини қуриш объектда ҳам навбатдаги назорат ишлари олиб борилди. Назорат ишлари давомида биносининг 1-2 ва 4-5 ўқлар орталиги Г ўқида жойлашган РМ-1 (темир-бетон рамалар) ўлчамлари лойиҳадан четланган ҳолда бажарилган сабабли жойида буздирилди. Келгусида бу ҳолат қайтарилмаслиги учун пудратчи ва буёртмачи Самарқанд вилояти ҳокимлиги “Ягона буёртмачи хизмати” ИК техник назоратчиси, лойиҳа ташкилоти “Geo fundament project” МЧЖ, муаллифлик назорати вакили Б. Абдалиевларга тушунтириш ишлари олиб борилди ҳамда бошқа камчиликлар юзасидан керакли кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, инспекция ходимлари томонидан вилоятнинг Иштихон туманида пудратчи “Сам технострой инвест” МЧЖ томонидан Иштихон кўчасининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва саломатлик йўлақлари қурилиши олиб борилаётган объектда ҳам назорат ишлари ўтказилди. Назорат ишлари давомида пидедалар ва велойўлакларнинг сифатсиз (бетон силжувчанлиги лойиҳа талабига мос келмагани боис вертикал ва диоганал ёриқлар юзага келган) бажарилган қисмлари буздирилди. Объектда аниқланган камчиликлар юзасидан пудратчи, буёртмачи ҳамда лойиҳа муаллифига нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Ўз мухбиримиз.

ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

Жиззах вилояти

ФОРИШДАГИ ЯНГИ ОБЪЕКТЛАР АҲОЛИ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ФАРОВОНЛАШТИРМОҚДА

Фозилжон ҚОСИМОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Жорий йилнинг сентябрь ойи бошида Жиззах вилоятининг худудларида қўплаб янги объектлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, Фориш туманида 14 та мактаб филиаллари, 4 та мактабгача таълим ташкилоти, 1 та физиотерапия маркази бунёд этилиб, 3 та мактаб биноси қайта реконструкция қилинди.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ва саноат йўналишида 4 та янги лойиҳа иш бошлади. Фориш туманидаги “Осмонсой” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ўқувчилар ҳам янги ўқув йилини барча шароитларга эга мактабда бошлади. Мазкур 20-сон умумтаълим мактаби бу йил капитал таъмирланиб, ёнидан 120 ўринли қўшимча бино қад кўтарди. Бунинг учун 2 млрд 107 млн сўм маблағ ажратилди. Унинг очилиш

маросимида масъуллар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққанлар туман миқёсида жорий йил 300 та янги ўқув ўрни яратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Қўшимча янги бино қурилиши натижасида мактаб 240 ўринли бўлди. Бундан ташқари, 345 млн сўм маблағ эвазига мактаб филиали ҳам капитал реконструкция қилинди.

Фориш туманининг “Қораобдол ота” маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги 69-мактаб филиалининг янги биноси ҳам фойдаланишга топширилди. Олдинги филиал биноси сўнгги йилларда мутлақо яроқсиз ҳолатга келиб қолган эди.

– Туманда фойдаланишга топширилаётган объектларда 2 та жиҳатга тўхталиб ўтиш керак. – деди маҳалла фаоли Ҳаким Келдиёров. – Биринчидан, ушбу биноларнинг кўпчилиги ижтимоий соҳа объектлари экани. Иккинчидан, уларнинг аксарияти олис худудларда жойлашган. Жумладан, мазкур мактабгача таълим ташкилоти ҳам

Форишнинг тоғорти худуди ҳисобланган “Нарвон” МФИда бунёд этилди ва фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 4 млрд 312 млн сўм маблағ сарфланди. Шароитлари марказдаги боғчалардан кам эмас.

Эътиборлиси, янги боғчаларнинг қурилиб, ишга туширилиши қамров даражаси ошишига ҳам хизмат қилмоқда. 2016 йил туманда боғчалар бор-йўғи 400 нафар болалар қамраб олинган бўлса, бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотларига 6 мингдан зиёд жажжилар келишади. Кўрсаткич қарийб 81 фоизга етган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, янги объектларнинг фойдаланишга топширилиши – бу янги иш ўринлари демакдир. Умум маҳалласининг олис чўл худудида лойиҳа сўғити 5 млрд сўм бўлган 24 ўринли туя сути орқали даволаш ва дам олиш маскани лойиҳасининг ишга туширилиши шулар жумласидан. Бу ерда 200 та туя парвариланмоқда. Ҳар куни 150 литр туя сути олинади. Маълумотларга қўра, бу ерда

келгусида чўл бўйлаб ва қўл атрофида от ҳамда туяда сайр қилиш каби хизматлар йўлга қўйилади. Дам олиш ва даволашни масканига маҳаллий аҳолидан ташқари, қўшни республикалардан ҳам келишмоқда.

Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган янги объектлар ичида физиотерапия маркази ҳам форишликларни хурсанд этди. Бунгача туман тиббиёт бирлашмасида бўлим сифатида фаолият кўрсатган физиотерапия хизмати Хонбанди маҳалласида марказ сифатида иш бошлади. Марказ 12 хил турдаги тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Унинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар марказнинг физиотерапия орқали инсон саломатлигини тиклашдаги ўрни ва аҳамияти борасида тўхталишди.

Бир сўз билан айтганда, худудларда амалга оширилаётган бу каби ислохотлар “Инсон қадрини учун” деган улуг мақсадлар билан ҳамоҳангдир.

Самарқанд вилояти

Фирдавсий боғи очилди

Ҳамза ШУКУРОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Самарқанд саммити доирасида Эрон Ислон Республикаси Президенти Оятуллоҳ Саййид Иброҳим Раисий ва ҳамроҳ делегация шаҳардаги Панжоб маҳалласига таширф бурди. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И. Абдураҳмонов ҳамроҳлигидаги меҳмонлар қатори иншоотларнинг очилиш маросимида қатнашдилар.

“Панжоб” мадрасасини қайта реставрация қилиш, тўлиқ таъмирдан чиқарилган биноси, Фирдавсий кўчасининг мадраси ва ташкилоти олими, тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик ғояларини ўз ичига олган 60 минг байтдан иборат “Шоҳнома” асарининг муаллифи Абул Қосим Фирдавсий боғи меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

– Мадрасани таъмирлаш халқимиз маданий, маънавий меросини асраб-авайлаш борасидаги ишларнинг ёрқин ифодасидир, – деди Ўзбекистон Эрон дўстлик жамияти раиси

Равшан Ғуломов. – Бу ерда мавжуд 24 та хонада форс, араб ва инглиз тилларини ўқитиш, миллий либослар, каштачилик, биши-тикиш, ипак гилами тўқиш, заргарлик, ҳайкалтарошлик, ёғоч ўймакорлиги, мусиқа асбоблари ясашга ўргатиш, кутубхона ва мадраса тарихи музейи, китоб савдоси фаолиятини йўлга қўйдик. Ҳомийлар ёрдами билан шунингдек, “Панжоб” масжидида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Уйлайманки, тарихий масканлар абадий дўстлик алоқаларини янада мустақамлашга муносиб ҳисса қўшади.

Спорт майдончалари қурилмоқда

Президентимизнинг “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Спортни ривожлантириш вазирилик томонидан масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатимизда “Беш ташаббус олимпиадаси” бўлиб ўтди.

Унда фаол қатнашган самарқандлик ёшлар умумжамоа ҳисобида республикада иккинчи ўринни эгаллаб, 24 та медални қўлга киритдилар. Мусобақанинг аҳамиятли томони шундаки, турнирда голиб бўлган иштирокчилар ашайидиган маҳаллаларга уч турдаги спорт майдончалари қуриб бериш белгиланган.

– Айни пайтда вилоятимиз шарофтини ҳимоя қилган йигит-қизлар маҳаллаларида бунёд этиладиган спорт майдончаларининг манзилли рўйхатга шакллантирилиб, жойларда қурилиш ишларини бошлаб юбордик, – деди вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Олим Собиров. – Жумладан, Урганч туманида 6 та, Иштихонда 4 та, Пайариқда 3 та, Нуробод тумани, Самарқанд ва Каттақурғон шаҳарларида 2 тадан, Оқдарё, Жомбой, Пахтачи, Паст Дарғом, Самарқанд туманларида 1 тадан спорт ўйингоҳлари қуриляпти. Ёшларни спортга бўлган ҳавасини ошириш йўлидаги бундай даражада ўз натижасини беради, албатта.

Айни кунларда вилоятда “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг иккинчи босқич танлови ва мусобақаларига старт берилди.

Наманган вилояти

Мономарказ тикланмоқда

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

“Олаҳамак” – Наманган туманидаги аҳолиси кўп маҳаллалардан бири.

Маҳалла ёшлари ўртасида маълум даражада ишчилик мавжуд бўлиб, тез орада бу муаммони ҳал этиш имконияти яратилади. Чунки маҳалла худудида касб-хунар ўргатадиган мономарказ қурилмоқда. У йил охиригача битказилади ва ўз фаолиятини бошлайди.

Бу ерда қарийб 12 млрд сўмлик маблағ эвазига худуд аҳолисини касб-хунарда ўқитиш ва



доимий иш билан таъминлаш йўлга қўйилади. Марказ ташкилот ва муассасалар буёрт-

масига асосан, ишсиз ёшларга замонавий касбларни ўргатади ҳамда қайта тайёрлайди.

Янги МТТ фаолият бошлади

Наманган туманидаги Ибрат маҳалласида 36-сонли мактабгача таълим ташкилоти қурилиб, фойдаланишга топширилди. 6 млрд 39 млн сўм маблағ эвазига бунёд этилган дарғох 30 нафар аҳолини иш билан таъминлади.



Туман қурилиш бўлими бошлиғи Азамат Тошбоевнинг айтишича, мазкур мактабгача таълим ташкилоти 180 ўринга мўлжалланган бўлиб, ундаги

6 та гуруҳ хоналари замонавий усулларда жиҳозланган. Муסיқа ва жисмоний тарбия хоналари, умумий овқатланиш хонаси, ўйингоҳлар, чўмилиш ҳавзаси ва ёзги айвончалар тарбияланувчилар учун шай ҳолатга келтирилди.

Маҳалла аҳлига чексиз қувонч ҳадя этган ушбу боғчанинг очилиш маросимида Наманган хоқими Садриддин Мўминов, сектор раҳбари, туман фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Маълумот учун, Наманган туманида бугунги кунда 145 та, жумладан, 35 та давлат ва 110 та нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолият юритиб келмоқда. Шундан, нодавлат ташкилотларининг 2 таси хусусий, 105 таси оилавий, 3 таси эса давлат хусусий-шерикчилик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидир. Туманда 11 588 нафар ёки 76,2 фоиз тарбияланувчилар мактабгача таълимга қамраб олинган бўлиб, уларга 534 нафар педагоглар таълим-тарбия бериб келмоқда. Уларнинг 189 нафари ёки 35,3 фоизини олий маълумотли кадрлар ташкил этили.

Замонавий спорт зали фойдаланишга топширилди

Наманган тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари қурувчилардан ажойиб совға олишди.

Яқинда бу ерда замонавий спорт зали фойдаланишга топширилди. Унда бир вақтинг ўзида 120 нафар ёш спортчи

машғул олиб бориши мумкин. Қурилиш ишлари учун маҳаллий бюджет ва ҳомийлар ҳисобидан 900 млн сўм маблағ сарфланди.

Қашқадарё вилояти

Касбида гемодиализ бўлими очилди

Шухрат НОРМУРОДОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Касби туманидаги туманлараро қўшма шикастланиш ва ўткир қон-томир касалликлари марказида гемодиализ бўлими тиббий хизмат кўрсатишни бошлади.



– Айни пайтда Қашқадарёда 4 та шундай гемодиализ бўлими иш бошлади, – деди очилиш маросимида иштирок этган Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятов. – Келгусида бундай марказ ва бўлимлар ҳар бир туманда очилиши кўзда тутилган. Шунингдек, гемодиализга эҳтиёжи бор беморларни керакли дори-дармонлар билан бепул таъминлаш, буйрак кўчириб ўтказиш борасидаги мураккаб жароҳлик амалиётларини вилоятнинг ўзида ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Тадбирда марказ 10 миллирд 504 миллион сўмлик тиббий жиҳоз ва ускуналар билан таъминлангани таъкидланиб, келгусида унинг фаолияти янада ривожлантирилиши борасида аниқ чоралар белгилангани қайд этилди.

“Openbudget” лойиҳаси қўл келганда...

Шаҳрисабз туманининг “Хонтепа” МФЙ биноси “Openbudget” лойиҳаси доирасида 340 миллион сўм маблағ эвазига 2 ой ичида қуриб битказилди.



Мазкур бинода маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ҳамда хотин-қизлар фаоли учун алоҳида хоналар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири замонавий моддий-техника воситалари билан таъминланган.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган очилиш маросимида туман ҳокимлиги вакиллари, туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари ҳамда фаол нурунийлар иштирок этди.

Китобда янги корхона ишга тушди

Китоб туманида фаолият бошлаган “Kitab Silkworm eggs” МЧЖ ипак қурти уруғини тайёрлаш корхонасида саноатбоп ипак қурти уруғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Лойиҳа қиймати 2 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган корхонада йилга 25 минг қути ипак қурти тайёрланиши ва келгусида 80 та доимий ва 4 минг 807 та мавсумий иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, мазкур лойиҳа доирасида замонавий уруғчилик корхонаси қуриш, янги технологиялар билан жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш, махсус қуртхоналар барпо этиш ва ипак қуртини худудларга ажратган ҳолда уруғлик учун боқиш, худудда интенсив усулда тузторларни ташкил этиш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш каби ишлар амалга оширилади.

Бундан ташқари, уруғчилик пилла етиштирувчи хўжаликларни танлаш, агротехнология бўйича тренинглар ташкил этиш, сифатли саноатбоп, ипакдан уруғлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, экспорт қилиш ҳамда ипак қуртларининг зотларини чаতিштириш каби ишлар бажарилиши ҳам кўзда тутилган.

Правительство Республики Узбекистан

получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:

Номер контракта	Наименование объекта	Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум без НДС)	Срок строительства (календарных дней)
MOEI-RIDP-NAM-W-01	Реконструкция систем питьевого водоснабжения населения МСГ "Соз-сой" Чартакского района Наманганской области	2 445 960 492	120
MOEI-RIDP-NAM-W-02	Строительство дополнительного здания на 240 мест здания для средней школы №22 в МСГ им. Имом-ота Папского района Наманганской области	2 860 033 922	180
MOEI-RIDP-NAM-W-03	Реконструкция систем питьевого водоснабжения населения МСГ "Бирлик" Янгикурганского района Наманганской области	2 150 942 174	120
MOEI-RIDP-NAM-W-04	Строительство дополнительного здания на 240 мест для средней школы №58 в МСГ "Хужашуркент" Янгикурганского района Наманганской области	3 379 859 496	180
MOEI-RIDP-NAM-W-05	Реконструкция систем питьевого водоснабжения населения МСГ "Октом" Янгикурганского района Наманганской области	1 233 229 290	120
MOEI-RIDP-NAM-W-06	Реконструкция и капитальный ремонт систем питьевого водоснабжения населения МСГ "Кандигон" Папского района Наманганской области	2 899 805 135	120
MOEI-RIDP-NAM-W-07	Строительство дополнительного здания на 240 мест для средней школы №17 в МСГ "Тепакургон" Папского района Наманганской области	2 904 365 813	180
MOEI-RIDP-NAM-W-08	Реконструкция и капитальный ремонт систем питьевого водоснабжения населения МСГ "Янгибад" Папского района Наманганской области	3 054 866 430	120
MOEI-RIDP-NAM-W-09	Текущий ремонт внутренних дорог в МСГ "Резаксой" Чустского района Наманганской области	358 865 003	30
MOEI-RIDP-NAM-W-10	Текущий ремонт внутренних дорог в МСГ "Юкори" Чустского района Наманганской области	480 626 996	40
MOEI-RIDP-NAM-W-11	Текущий ремонт внутренних дорог в МСГ "Сохибор" Папского района Наманганской области	641 799 717	40
MOEI-RIDP-NAM-W-12	Строительство дошкольной образовательной организации на 80 мест в МСГ "Маданият" Папского района Наманганского области	4 458 372 007	210

Инжиниринговая компания "Служба единого заказчика" при Наманганском областном хокимияте

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проходить в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка", и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Джизакской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозвещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 345 000 сум.

Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Наманганской области
Адрес: г. Наманган, ул. А. Навои, дом, 22 (здание ГАЧН, 3-этаж)
Тел.: 69-227-91-47
E-mail: tender-nam@mail.ru

Получатель: Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Наманганской области
Банковские реквизиты:
р/с: 2021 0000 8031 9675 2001
Наманганский филиал АКБ "Hamkorbank"
ИНН: 202 393 842 МФО: 00992

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме:

Номер контракта	Наименование объекта	Залоговое обеспечение (сум)
MOEI-RIDP-NAM-W-01	Реконструкция систем питьевого водоснабжения населения МСГ "Соз-сой" Чартакского района Наманганской области	48 919 210
MOEI-RIDP-NAM-W-02	Строительство дополнительного здания на 240 мест для средней школы №22 в МСГ им. Имом-ота Папского района Наманганской области	57 200 679
MOEI-RIDP-NAM-W-03	Реконструкция систем питьевого водоснабжения населения МСГ "Бирлик" Янгикурганского района Наманганской области	43 018 844
MOEI-RIDP-NAM-W-04	Строительство дополнительного здания на 240 мест для средней школы №58 в МСГ "Хужашуркент" Янгикурганского района Наманганской области	67 597 190
MOEI-RIDP-NAM-W-05	Реконструкция систем питьевого водоснабжения населения МСГ "Октом" Янгикурганского района Наманганской области	24 664 586
MOEI-RIDP-NAM-W-06	Реконструкция и капитальный ремонт систем питьевого водоснабжения населения МСГ "Кандигон" Папского района Наманганской области	57 996 103
MOEI-RIDP-NAM-W-07	Строительство дополнительного здания на 240 мест для средней школы №17 в МСГ "Тепакургон" Папского района Наманганской области	58 087 317
MOEI-RIDP-NAM-W-08	Реконструкция и капитальный ремонт систем питьевого водоснабжения населения МСГ "Янгибад" Папского района Наманганской области	61 097 329
MOEI-RIDP-NAM-W-09	Текущий ремонт внутренних дорог в МСГ "Резаксой" Чустского района Наманганской области	7 177 301
MOEI-RIDP-NAM-W-10	Текущий ремонт внутренних дорог в МСГ "Юкори" Чустского района Наманганской области	9 612 540
MOEI-RIDP-NAM-W-11	Текущий ремонт внутренних дорог в МСГ "Сохибор" Папского района Наманганской области	12 835 995
MOEI-RIDP-NAM-W-12	Строительство дошкольной образовательной организации на 80 мест в МСГ "Маданият" Папского района Наманганского области	89 167 441

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16.00 (по ташкентскому времени) 12 октября 2022 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.

Адрес для подачи предложений: Консалтинговый центр по организации тендерных торгов в строительстве.
Адрес: г. Наманган ул. Навоий, дом, 22 (здание ГАЧН, 3-этаж).
Тел.: 69-227-91-47.
E-mail: tender-nam@mail.ru

Ответственный представитель консалтингового центра: Фазлидинов Бахром Бахридович.

Правительство Республики Узбекистан

получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:

Номер контракта	Наименование объекта	Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум без НДС)	Срок строительства (календарных дней)	Залоговое обеспечение в виде Банковской гарантии (сум)
MOEI-RIDP-AND-W-02	Текущий ремонт по восстановлению внутрихозяйственных дорог на территории МСГ "Дустлик" Мархаматского района Андижанской области	5 752 989 537	45	115 059 791
MOEI-RIDP-AND-W-03	Реконструкция внутрихозяйственных дорог на территории МСГ "Шуржакир" Мархаматского района Андижанской области	4 726 525 925	30	94 530 519
MOEI-RIDP-AND-W-04	Текущий ремонт по восстановлению внутрихозяйственных дорог на территории МСГ "Ойбек" Мархаматского района Андижанской области	4 608 620 801	35	92 172 416
MOEI-RIDP-AND-W-05	Реконструкция и ремонт внутренних улиц (5-категория) в МСГ "Гулдиёр" Пахтабадского района Андижанской области	1 191 434 110	17	23 828 683
MOEI-RIDP-AND-W-06	Реконструкция и ремонт внутренних дорог (5-категория) в МСГ "Сой буйи" Пахтабадского района Андижанской области	631 447 317	15	12 628 947
MOEI-RIDP-AND-W-07	Реконструкция и ремонт внутренних дорог (5-категория) в МСГ "Кайир" Пахтабадского района Андижанской области	3 813 007 840	26	76 260 157
MOEI-RIDP-AND-W-08	Реконструкция и ремонт внутренних дорог (5-категория) в МСГ "Куприкбоши" Булакбашинского района Андижанской области	4 811 485 970	30	96 229 720
MOEI-RIDP-AND-W-09	Реконструкция и ремонт внутренних дорог (5-категория) в МСГ "Раиш" Булакбашинского района Андижанской области	4 226 277 909	46	84 525 558
MOEI-RIDP-AND-W-10	Реконструкция и ремонт внутренних дорог (5-категория) в МСГ "Истиклол" Булакбашинского района Андижанской области	3 479 228 191	20	69 584 564
MOEI-RIDP-AND-W-11	Реконструкция системы питьевого водоснабжения населенных пунктов в МСГ "Олмазор" Пахтабадского района Андижанской области	1 603 981 499	110	32 079 630
MOEI-RIDP-AND-W-12	Реконструкция системы питьевого водоснабжения населенных пунктов в МСГ "Хайрабод" Пахтабадского района Андижанской области	2 410 344 748	127	48 206 895
MOEI-RIDP-AND-W-13	Реконструкция системы питьевого водоснабжения населенных пунктов в МСГ "Обод" Пахтабадского района Андижанской области	2 411 737 258	182	48 234 745
MOEI-RIDP-AND-W-14	Реконструкция системы питьевого водоснабжения населенных пунктов в МСГ "Шувокзор Бойкечик" Пахтабадского района Андижанской области	1 689 457 401	170	33 789 148
MOEI-RIDP-AND-W-15	Реконструкция системы питьевого водоснабжения населенных пунктов в МСГ "Ахиллик" Пахтабадского района Андижанской области	1 554 770 384	127	31 095 408
MOEI-RIDP-AND-W-16	Реконструкция системы питьевого водоснабжения населенных пунктов в МСГ "Гулзор" Пахтабадского района Андижанской области	1 774 812 533	153	35 496 251
MOEI-RIDP-AND-W-17	Реконструкция системы питьевого водоснабжения населенных пунктов в МСГ "Узбекистан" Улугнарского района Андижанской области	1 133 244 404	87	22 664 888
MOEI-RIDP-AND-W-18	Реконструкция системы питьевого водоснабжения населенных пунктов в МСГ "Гулистон" Улугнарского района Андижанской области	1 561 615 195	120	31 232 304

Инжиниринговая компания "Служба единого заказчика" при Андижанском областном хокимияте

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проходить в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка", и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Джизакской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозвещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 300 000 сум.

Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Андижанской области
Адрес: г. Андижан, пр. Навои, дом, 30 (1-этаж, 106-кабинет)
Тел./факс: 74-223-57-05.
E-mail: andijon.tender@mail.ru

Получатель: Консалтинговый центр по организации тендерных торгов Андижанской области
Банковские реквизиты:
р/с: 2021 2000 4036 4994 4001
Андижанский городской филиал АКБ "InFinBank"
ИНН: 202 453 348 МФО: 01114

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме.

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16:00 часов (по ташкентскому времени) 12 октября 2022 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.

Адрес для подачи предложений: Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов по Андижанской области, г. Андижан, пр. А. Навои, дом, 30 (1-этаж, 106-кабинет).
Тел./факс: 74-223-57-05.
E-mail: andijon.tender@mail.ru

Ответственный представитель консалтингового центра: М. Топволдиев.

Тузатиш

"O'zbekiston bunyodkori" газетасининг 2022 йил 16 сентябрда чоп этилган "Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati" МЧЖ эълонидаги ҳисоб рақам куйидаги ҳақиқатли: 2020 8000 5053 3172 3021.

"Муборакнефтегазмонтаж" АЖ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Муборак шаҳри, 2-микрорайон манзилида жойлашган "Муборакнефтегазмонтаж" АЖ 2022 йил 8 октябрь куни соат 10.00 да Муборак шаҳри, 2-микрорайон, Занжирсарой кўчасида жойлашган "Муборакнефтегазмонтаж" АЖ мажлислар залида жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2022 йил 4 октябрь ҳолатига тузилди.

Қун тартиби:

1. "Муборакнефтегазмонтаж" АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг саноқ комиссияси таркиби ва регламенти тасдиқлаш.

2. Жамиятнинг бошқарув органи раҳбари лавозимига номзодни тасдиқлаш.

3. Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.

4. Жамият ижроия органининг коллегиял бошқарув услубидан яккабошчилик бошқарув услубига ўтиши муносабати билан "Ижро органи тўғрисида"ги Низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.

5. Жамият ижроия органининг коллегиял бошқарув услубидан яккабошчилик бошқарув услубига ўтиши муносабати билан акциядорлик жамияти бошқарув органи раҳбари ва аъзолари лавозимлари га танлов ўтказиш бўйича Низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.

6. Жамият ижроия органининг коллегиял бошқарув услубидан яккабошчилик бошқарув услубига ўтиши муносабати билан жамиятнинг "Кузатув кенгаши

тўғрисида"ги Низомига киритиладиган ўзгаришларни тасдиқлаш.

7. Жамият ижроия органининг коллегиял бошқарув услубидан яккабошчилик бошқарув услубига ўтиши муносабати билан жамиятнинг "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги Низомига киритиладиган ўзгаришларни тасдиқлаш.

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик вақтида қуйидаги ахборотлар билан танишиш мумкин: умумий йиғилишнинг саноқ комиссияси таркиби ва регламенти; бошқарув органи раиси лавозимига номзод тўғрисидаги маълумот; жамият уставининг янги таҳрирдаги лойиҳаси;

жамиятнинг "Ижро органи тўғрисида"ги Низомининг янги таҳрирдаги лойиҳаси;

жамият бошқарув органи раҳбари ва аъзолари лавозимлари га танлов ўтказиш бўйича Низомининг янги таҳрирдаги лойиҳаси;

жамият "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги Низомига киритиладиган ўзгариш лойиҳаси;

жамият "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги Низомига киритиладиган ўзгариш лойиҳаси.

Жамиятнинг электрон почта манзили: mngm07@mail.ru

Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими: 97-229-12-73.
Иштирокчиларни рўйхатга олиш: 2022 йил 8 октябрь куни соат 9.00 дан 10.00 гача. Иштирокчиларнинг паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжати бўлиши сўралади.

Кузатув кенгаши.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Сентябрь ойининг шу кунида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи **Азамиддин Қулдашев,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими бош мутахассиси **Аъзамшо Ибрагимов,**

Хоразм вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари **Умидбек Аҳмедовларни** таваллуд қилиши билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!

МУСТАҚИЛЛИК – ОЛИЙ НЕЪМАТ, ШАРАФЛИ МАСЪУЛИЯТ

Шахриёр МАНСУРОВ,
Қурилиш вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси.



Инсон боласи учун озодлик, эркинликнинг ўрни шу қадар улуғворки, уни таърифлашнинг имкони йўқ. Дарахлар кўкка қараб бўй чўзгани,

Ватан! Бу муқаддас сўз замирида илоҳий куч-қудрат, улкан маъно мужасамки уни сўз билан ифода эта олиш мушкул. Биз киндик қонимиз тўкилган заминни Ватан деб атаймиз. Ватан қалбимиз, қалбимизга яқин инсонлар жамланган заминдир. Бежиз уни Онага қийслаб, “Она тупроқ” деб атаймаймиз. Унинг номини эшитган захотимиз қалбимиз тўлқинланади, бир олам ғурурга тўлади, фахр ҳисси пайдо бўлади. Шоир айтганидек:

*Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,
Биттадир дунёда Она деган ном.*

ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Хусусий мулк дахлсиз

Жамшид ҲАМРОЕВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси ходими, 3-даражали юрист.

Жамиятда иқтисодийнинг муҳим жиҳатини мулк ташкил этади. Қолаверса, жамиятнинг иқтисодий-иқтисодий яхлитлиги ҳам мулк, мулкнинг қимматга тегишли эканлиги билан таъсирланади. Мулк орқали иқтисодий муносабатлар ривожланиб, мамлакатда аҳолининг фаровон яшаш, ривожланиши ва тараққиётда илгариллаши аниқ ҳақиқатдир. Шу маънода мулкдор ва тадбиркорларнинг ўз мол-мулкни эркин тасаруф этиши, мулкка эгаллик ҳуқуқининг қонун ҳимояси остида эканлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 августдаги “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асосис аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг қабул қилингани мулк билан боғлиқ кўплаб низоларни адолат билан ҳал этиш имконини кенгайтирди. Мулкдорнинг ҳуқуқ ва имкониятларини оширди.

Маълумки, ер ва ер билан боғлиқ масалалардаги айрим муаммолар яқин-яқингача фуқароларнинг овозгарчиликларига сабаб бўлиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Эндиликда Фармон билан жорий йилнинг 1 сентябидан эътиборан, ердан ихтиёрий воз кечишни ҳуқуқат ёки ҳокимлик қарорлари билан расмийлаштириш (ихтиёрий воз кечиш тўғрисида нотариал тасдиқланган ариза ҳуқуқларни бекор қилиш бундан мустасно), юридик шахс тугатилиши билан унинг ерга бўлган ҳуқуқларини бекор қилиш, ерни жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда компенсация сифатида давлатнинг бошқа кўчмас мулкни бериш каби талаб ва чекловлар бекор бўлди.

Шунингдек, суд томонидан турар жойга нисбатан инсофли эгалловчи деб топилган жисмоний шахсдан ушбу турар жойни унга нисбатан мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб уч йил ўтгач натура шаклида талаб қилиб олиш амалиёти ҳам бекор қилингани ҳужжатда ўз аксини топди. Яъни, инсофли эгалловчининг турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганига уч йил тўлган бўлса мулкнинг субка мулкдори маъмур турар жойни ундан талаб қила олмайди.

Таъкидлаш жоизки, турар жойга бўлган мулк ҳуқуқларини амалга ошириш борасида 2022 йил 1 сентябдан турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқларга ёки турар жой мулкдори билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаган шахсларни ушбу турар жойдан доимий рўйхатдан чиқариш учун уларнинг розилигини олиш талаб қилинмайди. Ушбу ҳолат тарафлар ўртасида бошқача келишув тузилган ҳолатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2023 йил 1 январдан Кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизими (UZKAD) кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри ва унга оид маълумотлар юритиладиган, маълумотларнинг ҳақиқийлиги ҳамда ишончилиги давлат томонидан кафолатланган ягона ахборот тизими дея белгиланади. Бундан ташқари, Фармон билан бирга “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асосис аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури” ишлаб чиқилди. Дастур орқали хусусий мулк ҳимоясининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

Албатта, қонунчиликдаги ушбу янгиликлар мулкдор ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш билан бирга унинг давлат ҳамда қонун ҳимоясида эканлигини ҳам ифодалайди.

қушлар самода завқ билан парвоз қилганидек инсон боласи ҳам озодлик аталмиш олий неъматсиз ҳаётини тасаввур эта олмайди. Озодлик – инсон учун ҳаво ва сувдек ҳаётини зарурат. Бошқача айтганда, ҳаёт озодликдан бошланади.

Халқимизнинг улкан жасорати ва матонати рамзи сифатида мана неча йилдириқ нишонланиб келинаётган мустақиллик куни ҳар бир ватандошимиз учун улуғ санага айланган. Зеро, шу куни Она заминимиз – Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилиниб, юртимизнинг кўп минг йиллик тарихида битилган ва қалбларимизга абадий муҳрланган унутилмас воқеа содир бўлди. Шунинг учун ҳам унинг қадр-қиммати ва аҳамияти йил сайин ортимиз бормоқда. Мустақиллик Она дёримиз учун жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш, шу жумладан, ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида кенг

қўламли ислохотларни амалга ошириш учун мустақам замин яратди.

Она заминимизнинг шон-шавкати ҳақида сўз борганда буюк бобомиз Амир Темура барпо этган қудратли, ўз даврида Хитой, Ҳиндистон, Франция, Англия, Испания, Италия, Миср каби давлатларда катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинган заминнинг фарзанди эканлигим ҳаёлимдан ўтади. Улуғ аждодлари билан тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирган, дунёга ўзининг “Ҳиндистон”, “Сайдана”, “Қонуни Маъсудий”, “Қадимги аждодлардан қолган ёдгорликлар” каби машҳур асарларини тортиқ этган Беруний, жаҳон тиббиёт фанларининг пири, Европада “Авиценна” номи билан машҳур бўлган Ибн Сино, Астрономия фанига оламшумул ҳисса қўшган буюк аллома Улуғбек, жаҳон аниқ фанларига ўзининг “Алжабр вал-Муқобала” асари билан алгебра фанига асос солган ва дунёда “Алгоритм” термини билан машҳур бўлган Ал Хоразмий сингари олимларни дунёга туҳфа қилган диёр кўз олдимда гавдаланади. Ислоом оламига донги кетган Термизий, Бухорий, Замашшарий, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Ахрор Валий, Марғиновий, бутун жаҳон эҳтиром билан тилга оладиган Навоий сингари буюк даҳолар улгайган кўҳна замон оқида.

Бу юрт – маънавияти бой, тарихи ғурураниб тилга олишга арзуғулик диёр. Ўз Ватанимиз озод-эркин қуриш ниятида жон берган машҳур фидойи – Бөхбудий,

Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Файзулла Ҳужаев, Осмон Носир каби минг-минглаб инсонлар камол топган Ватан.

Истиқлол туфайли буюк аждодларимиз қолдирган юртни дунёга яна бир бор танитиш, ёдга олдиришга эришдик. “Ўзбекистон” деган мамлакатни, “Ўзбек” деган миллатга яна тан бердилар, ҳатто айрим соҳалар бўйича биздан ўр-нак олдилар.

Бугун Янги Ўзбекистонни барпо этиш, уни яна жаҳонга тараннум қилиш мақсади билан яшамоқдамиз. Ватан номи теран фикрловчи ҳар бир инсоннинг қалбиде бор. Унга ҳурмат қалбда худди имон каби мустақам бўлмоғи лозим. Ватанини суймоқ, унинг равнақи учун оз бўлса-да ҳисса қўшмоқдир. Ватанини суймоқ, унинг ҳар бир куни, ривожини учун шукрона келтирмоқдир. Ватанини суймоқ, “Ватан менга нима берди?” эмас, “Мен Ватанга нима берялман?” деган масъулият билан яшамоқдир.

Агар ҳар биримиз юртимиз равнақи-га мисқолчалик ҳисса қўиш умиди билан яшасак, ишонаманки, дёримизнинг келажаги бундан-да гуллаб-яшнайдиган. Шундай экан, фаровон ўлкада яшаш бахтидан қувониб, Ватанимизда ҳар жабҳада қўлга киритилаётган ютуқлар билан фахрланилик, уни севайлик. Бир сўз билан айтганда, чин инсоний туйғулар билан яшайлик, ватандош. Зеро, бугун Она заминимизда эл азиз, инсон азиз!

Шаҳарсозликда шаҳар зичлиги ва “қават майдони коэффиценти” масаласи

Анвар МУҲАМЕДЖАНОВ,
Архитектор-урбанист,
Токио университетининг магистри,
халқаро ривожланиш ва минтақавий режалаштириш соҳаси мутахассиси.

Зичлик, хоҳ у қурилатган бинолар зичлиги ёки аҳоли зичлиги бўлсин, шаҳарнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Аҳолининг ўсишига мослаштирилган бош режалар мавжуд бўлмаганлиги туфайли Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарлари инфратузилма, мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар ва ўт ўчириш деполарига қаттиқ юкланмаларни бошдан ўтказа бошлади. Шаҳарларнинг ривожланишини башорат қилиш тобора қийинлашиб бормоқда. Оқибатда эса зичликнинг тартибсиз ўсиши шаҳар иқтисодийлиги ҳам, умуман унинг хавфсизлиги ҳам салбий таъсир кўрсата бошлайди.

Чет элда FAR (Floor Area Ratio) деб ҳам аталадиган “қават майдони коэффиценти” бино жойлашган участканинг майдони ва бинонинг қават майдони ўртасидаги нисбатни билдиради. Юқори қават майдони коэффиценти зичроқ қурилиш майдонини назарда туттади. Керакли зичлик коэффиценти муниципалитетлар томонидан белгиланади ва бир аҳоли худудидан бошқасига фарқ қилади.

Қават майдони нисбати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

қават майдони коэффиценти (ҚМК) = Бинонинг умумий майдони / Участканинг умумий майдони.

1961 йилда Нью-Йорк шаҳри мисолида ушбу воситани яратишдан мақсад – биноларнинг баландлиги ва тўсиқ талабларини созлаш йўли билан уларнинг ўлчамларини назорат қилиш орқали баланд бинолар томонидан ёруғлик ва ҳавони тўсиб қўйишнинг олдини олиш эди. 1961 йилгача қурилган биноларнинг кўпича қават майдони нисбати жуда юқори бўлган. Мисол учун, Эмпайр-стейт-билдинг, FAR 25 га тенг, бунинг натижа-сида унинг эгалари ижара орқали кўп пул топишди. Японияда бу коэффицент 1970 йилда қабул қилинган. У шунингдек, Ҳиндистонда ҳам мавжуд.

Қават майдони коэффиценти одатда маҳаллий ҳукуматлар томонидан шаҳар аҳолиси зичлигини чеклаш ва шаҳарни иқтисодий режалаштириш учун ер майдонларини зоналарга бўлиш учун ишлатилади. Шу сабабли ҚМК нафақат бинонинг зичлигини чеклашга ёрдам беради, балки бинодаги одамлар сонини ҳам чеклайди. Бу эса, ўз навбатида, транспорт, шаҳар ва ижтимоий инфра-тузилма учун зарур бўлган юкларни, шунингдек, янги иш ўринлари яратишни олдиндан тахмин қилишга ёрдам беради.

Фараз қилайлик, маълум бир ернинг “ҚМК”си қуйидаги расмдагидек 1 га тенг. Бундан келиб чиқадики, ушбу участкада жойлашган бинонинг

барча қаватларининг майдони участка майдонидан ошмаслиги керак. Шунинг учун агар участканинг майдони 1000 м.2 бўлса, бутун бинонинг умумий майдони 1000 м.2 дан ошмаслиги керак. Архитекторларга рухсат этилган майдондан фойдаланишни участканинг бутун майдони учун бир қаватли бино шаклида ҳам, масалан, икки қаватли ёки ҳатто 4 қаватли бино кўринишида ҳам режалаштиришга имкон берилади.

Бунинг ёрдамида участкани зоналаштириш қоидаларига янада мослашувчан ёндашуларга эришиш, кўпроқ очиқ ва яшил майдонларни бўшатиш мумкин. Гаражлар, лифт шафтлари ва подвалларнинг майдонлари “қават майдони коэффиценти”ни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

Ҳаддан ташқари сифимлилик (масалан, агар эгаси юқори қават қуришни хоҳласа) мулкдорнинг участкасига ҳам, қўшни биноларга ҳам қўшимча босим яратган ҳолда салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, ушбу концепция учун “хавфсиз юкланиш коэффиценти” деб аталадиган нарса жорий этилади. Унга аҳоли зичлиги, қурилиш, ердан фойдаланиш тартиби каби омиллар таъсир қилади. Ушбу омиллар туфайли “хавфсиз юкланиш коэффиценти” тўғридан-тўғри “қават майдони коэффиценти”га таъсир қилиши мумкин. Чунки “хавфсиз юкланиш коэффиценти” кишлоқ ҳўжалиги, турар жой ва саноят объектлари учун фарқ қилади. Маҳаллий ҳокимият органлари “хавфсиз юкланиш коэффиценти”ни яратиш қоидалари ва чегараларини белгилашлари керак.

“Қават майдони коэффиценти” ер нархининг ва натижада шаҳар иқтисодийнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. “ҚМК”нинг рухсат этилган қиймати қанчалик юқори бўлса, ернинг нархи шунчалик қимматроқ баҳоланади. Ишлаб чиқувчилар ҳар доим катта майдонларни сотиш орқали кўпроқ даромад олиш ва натижада лойиҳа харажатларини камайтириш учун ҚМКни оширишдан манфаатдор. Бошқа томондан, ҚМКнинг паст қиймати шаҳарнинг ўсишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун бу концепцияда агар маълум бир худуд учун “ҚМК” қиймати ошса, унда жойлашган барча мулкнинг нархи автоматик равишда кўтарилари. Чунки у ерда аҳоли яшаши учун кўпроқ жой мавжуд.

Шундай қилиб, “Қават майдони коэффиценти”нинг ижобий томонлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қурилиш майдонига нисбатан участканинг очиқ жойларини яхшироқ назорат қилиш имконияти;
- шаҳарнинг контурини яратиш учун соддалаштирилган ечим имконияти (масалан, шамол кўтарилишини ҳисобга олган ҳолда, кўп қаватли ва саноят биноларини жойлаштириш);
- бутун шаҳарнинг мувозанатли ва режалаштирилган ўсиши орқали барқарор ривожланишини назорат қилиш қобилияти.

“ҚМК”нинг салбий томонларига қуйидагилар қиради:

- нархи: бу модель асосан кам даромадли одамлар ер сотиб олиши ва қиммат жойда бино қуриш қийин бўладиган йирик маънавий шаҳарларда қўлланилади;
- ходимларнинг малакаси: ҚМКни ривожлантириш юқори ихтисослашган ходимларни (масалан, шаҳар иқтисодчилари, шаҳар таҳлилчилари, шаҳар муҳандислари) ёллашни талаб қилади. Бу шунинг англатадики, тайёрланмаган мутахассислар шаҳарнинг ушбу иқтисодий моделидан фойдалана олмайди;
- бу усул кичик бинолар учун мақсадга мувофиқ эмас ва асосан кўп қаватли бинолар ҳамда катта жамоат жойларини жойлаштириш каби бизнеснинг диққатга сазовор жойларини шакллантириш учун қўлланилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ва бошқа МДҲ мамлакатларида шаҳарнинг баландлиги ҳамда зичлигини тартибга солишга ёрдам берадиган қурилиш нормалари ва қоидалари (ҚНҚ) мавжуд. Бироқ уларнинг аксарияти (масалан, Ўзбекистонда) 16 қаватгача бўлган кўп қаватли уйлارга тегишли. 16 қаватдан юқори бўлган ҳар қандай иншоот махсус асослаш ва Қурилиш вазирлигининг рухсатини талаб қилади. Шунингдек, маҳаллий шаҳарсозлик стандартларида гарчи митти туман учун “уй-жой фонднинг тахминий зичлиги” тушунчаси мавжуд бўлса-да, аммо масалан, маъмурий ёки саноят қимматроқ тахминий зичлигини ҳисоблаш учун аҳоли сонининг ўсишига мослаштирилган тушунчалар йўқ.

Бу долзарб масала, чунки бугунги кунда замонавий йирик шаҳарлар бошқа иқтисодий тузилишга эга ва микрорайонлар билан тугамайди. Уларга марказий бизнес туманлари (Central Business Districts – CBD), кўнгилчолар туманлар, жуда кўп сонли аҳоли миграциясига хизмат кўрсатадиган ва ўзларининг ҳисобланган зичлигига эга “сунъий йўлдош саноят шаҳарлари” қиради. Кўп сонли одамлар ҳар куни у ёки бу ёққа қатнашга мажбур. Одамлар оқимини назорат қилиш учун муниципалитетлар “қават майдони коэффиценти” ва “кўп қаватли қурилишга ҳуқуқлар”ни сотишдан фойдаланишади.

Ўзбекистон нисбатан яқинда урбанизация йўналишини эгаллаган бўлса-да, аҳоли салбий оқи-батларга аллақачон дуч кела бошлаган. Урбанизация шубҳасиз, шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиши учун муҳим ислохотдир. Бироқ ушбу салбий оқибатларни юмшатиш учун бир қатор тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Бунда энг аввало, шаҳарларнинг барқарор ҳамда ҳар бир аҳоли манфаатини ҳисобга олган ҳолда ривожланиши учун бош режаларини ишлаб чиқиш ва шаҳарсозлик стандартларини имкон қадар тезроқ аҳоли ўсишига мослаштирилган ҳолда янгилаш зарур бўлади.



ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКISTАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров (Тахрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов,
Юлдаш Магруппов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қўдратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир уринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳих **Марҳамат Муслимонқуллова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Нашириёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ» НАШИРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги,
«Узсаноятқурилишматериаллари»
уюшмаси, «УзГАСҲКЛИТИ» ДУК,
«УзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеоангметЛИТИ» ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (кабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@mail.ru

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондар вилояти: 91-981-61-63.
Фаргона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.
Қашқадар вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-943. 1858 Ҳуснада босилди. Қўзғоғ бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфига жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
А. Ҳақбердиев.

Навбатчи – И. Ибодулло.

Ўза Якуни – 22.00.
Топширилди – 22.40.

